

Абу Исҳоқ Муътасим



10:40 / 27 январь 894

(халифалик даври ҳижрий 218-227 милодий 833-842)

Абу Исҳоқ Муътасим Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид акаси Маъмундан кейин, унинг аҳдига биноан ҳижрий 218, милодий 833 йилда халифаликни эгаллади. У жангу жадалга ва бошқа ишларга турк аскарларини жалб қила бошлади. Турклар томонидан Бағдод аҳолисига турли озорлар етди. Шундан сўнг халифа қарши чора сифатида улар учун Самурро шаҳрини қурдирди. Бундан кўринадики, форс ва арабларга ишонч қолмаганидан кейин Муътасим туркларга эътибор бериб, аскарликка улардан олишга қарор қилган.

Форслар ҳокимиятни ёлғиз ўзлари олишни қасд қилганлари тажрибадан равшан бўлгач, аббосий халифалар уларга қарши жуда қаттиқ чоралар кўрдилар. Абу Салама Халлолдан бошлаб, Абу Муслим Хуросоний,

бармакийлар, Фазл ибн Саҳл ва бошқалар муносиб жазоларини олишди. Арабларнинг ҳукмронлиги Аминнинг давлатига қўшилиб, форсларнинг қиличлари остида заволга учради. Ушбу сабабларга кўра Муътасим бошқа диёрлардан аскар излади ва улар турклар бўлди.

У ўзининг бу иши билан Ислом давлатига катта зарар етказаётганини англамаётган эди. У давлатнинг барча ишларини ана шу туғёнга кетган туркларнинг қўлига топшириб қўйди.

Муътасим «Қуръони Карим махлуқдир» деган ақийдани давом эттирди. Одамларни, хусусан имом Аҳмад ибн Ҳанбални азоблашда давом этди. У Маъмуннинг сиёсий соҳадаги жуда кўп ишларининг давомчиси бўлди.

Ҳодисалар

Бобак Хуррабий ҳаракати

Муътасим Бобак Хуррабийга қарши бир неча марта уруш қилди, охири ҳижрий 223 (милодий 838) йилда уни йўқ қилди. Бобак устидан қозонилган ғалаба мусулмонлар гувоҳ бўлган ғалабаларнинг энг яхшиларидан бўлди. Бобак Хуррабий ўлдирилган куни хуррабийя мазҳаби тугади. Бу 20 йил давом этган курашларнинг натижаси эди.

Фатҳлар

Амурийя фатҳи

Рум подшоҳи ва хуррабийлар биргаликда Зибтара ва Малотия деган жойларга киришди. У ерларда мусулмонларга қарши хоҳлаган ишларини қилдилар. Айтишларича, Зибтара деган жойда бир муслима аёлга қарши тажовуз қилинганида «Вой, Муътасимим!» деб дод солган, шунда Муътасим ҳалиги аёлнинг нидосига жавобан ўзи Рум шаҳарлари томон юриш қилган. У Амурийя деган жойдан шаҳарга кириб бориб, катта жангдан сўнг уни фатҳ қилди. Бу ишлар ҳижрий 223 йилда содир бўлди.

Шоир Абу Тамим ушбу воқеани ўзининг машҳур қасидасида баён қилган.

Муътасимнинг вафоти

Муътасим ҳижрий 227 (милодий 842) йилда вафот этди. Унинг халифалик даври тўққиз йил давом этди.

«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.